

## ИНТЕРЬЕРНИ БАДИЙ БЕЗАТИШДА МИЛЛИЙ АМАЛИЙ САНЪАТ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АХАМИЯТИ.

*Қодиров Бобиржон Ботиржонович.*

*Наманган Давлат Университети*

*“Тасвирий санъат ва амалий безак санъати” мутахассислиги*

*2–босқич магистранти.*

**Аннотация:** ушбу мақолада интерьерни бадий безатишда миллий амалий санъат турларидан фойдаланишнинг назарий ахамияти қолаверса миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз билан боғлиқ миллий меъморчилик ва халқ амалий санъатининг ривожини хақида сўз боради.

**Калим сўзлар:** санъатишунослик, меъморчилик, шахарсозлик, миллий маданият

**Аннотация:** В статье рассматривается теоретическая значимость использования народно-прикладного искусства в художественном оформлении интерьера, а также развитие национальной архитектуры и народного творчества, связанных с нашими национальными ценностями и традициями.

**Ключевые слова:** история искусства, архитектура, градостроительство, национальная культура.

**Abstract:** This article deals with the theoretical significance of the use of national applied arts in the artistic decoration of the interior, as well as the development of national architecture and folk arts associated with our national values and traditions.

**Keywords:** art, architecture, urban planning, national culture.

Неча минг йилликлар давомида шакилланиб, ривожланиб келган халқимизнинг қадимий маданий меросимизни илмий ўрганиб, кўз қорачиғидек сақлаш, келажак авлодга асл ҳолича етказиш, ёшларни маданий меросимизга мухаббат руҳида тарбиялаш доимий давлат эътиборида бўлиб келган. Айниқса бу борада миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз билан боғлиқ миллий

меъморчилик ва халқ амалий санъатининг ривожига алоҳида аҳамият касб этади. Тарих саҳифаларига мурожаат қилсак, ривожланган ва қудратли давлатларда иқтисодиёт билан бирга, энг аввало бунёдкорлик, шаҳарсозлик ва ҳунармандчилик ишлари камолотга етганини гувоҳи бўламиз. Буюк соҳибқирон Амир Темур бежизга айтмаган: “Бизнинг давлатимизни қудратини билмоқчи бўлсангиз, биз қурган биноларга боқинг”.

Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг замонавий шаҳарсозлик ва миллий меъморчилик, халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчиликни ривожлантириш, маданий меърос объектларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш ишлари ҳамда туризмни ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб қарорларида миллий амалий санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилган. Натижада Самарқанд, Бухоро, Ҳива, Шахрисабз, Тошкент каби қадимий шаҳарлардаги умумжаҳон маданий меросига киритилган меморий обидалар ва зиёратгоҳлар қаторида Андижондаги тарихий обидалар ҳам таъмирланиб, қайта тикланиб асл ҳолига келтирилди. Ўзбекистон меъморий безаклари мавзуида ўзбек санъатшунослигида таниқли олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилиб, ўнлаб монографиялар, илмий асарлар ёзилган. Масалан, санъатшунослик докторлари: Г. А. Пугаченкова, Л.И.Ремпель “Выдающиеся памятников архитектуры Узбекистана”, Г. А. Пугаченкова “Шедевры Средней Азии” Л.И.Ремпель “Архитектурный орнамент Узбекистана”, тарих фанлар доктори В.А. Нильсен, В.Н. Манакова “Архитектурный декор памятников Узбекистана”, И.Азимовнинг “Ўзбекистон нақшу-нигорлари”, ижодий жамоа томонидан тайёрланган “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Андижон”, П.Зоҳидовнинг “Самарқанд меъморлик мактаби 19-20-аср бошлари ” каби илмий асарларидан ўзбек меъморий безаклари ҳақида батафсил маълумотлар олишимиз мумкин. Мавзунини ёритишда юқоридаги илмий адабиёт ва манбаълардан фойдаланган ҳолда ўзбек меъморчилиги ва меъморий безак санъати ҳақида тўлароқ тасаввур ва тушунчага эга бўлиш мақсадида, мазкур санъат тарихига, энг асосий ривожланиш босқичларига умумий тарзда қисқароқ бўлса-да, тўхталишни

лозим топдик. Тарихни ўрганиш жараёнида Фарғона водийси, хусусан Андижон вилояти билан боғлиқ манъбаларга, маълумотларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга бевосита ижодкор уста ва дизайнер рассомлар билан қилинган мулоқотлар асосида олинган маълумотлар тадқиқотни асосини ташкил этади. Барча жаҳон халқлари турмуш тарзича, улар яшайдиган оддий ҳонадонлардан тортиб, юқори санъат даражасидаги меъморчилик иншоатларигача эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг ташқи(экстерьер) кўринишида ҳам, ички (интерьер) безакларида ҳам ўша миллат халқига ҳос хусусиятлар миллий урф-одатлар ва қадимий қадриятларининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек бизнинг ўзбек халқимиз ҳам бу борада ўзининг авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир неча асрлик ўзига ҳос анъанадарига эга. Қадимий бинолардаги халқ ҳунармандчилиги ашёлари ва амалий безак санъати намуналари ўзбек халқининг юксак маънавиятидан, халқ усталарининг юқори даражадаги маҳорати ва истеъдодидан далолат беради. Ўтган асрда юртимизга келиб тадқиқот ўтказган рус олими Н.П.Остраумов шундай ёзади:”Сартлар тенги йўқ гилкор ва уста наққошдирлар, улар жуда ҳам нозик ва гўзал нақшлар ишлайдилар. Буни сарт бойларининг уйлари, шифт ва деворларидаги безакларидан яққол кўришиш мумкин”.Рус олимининг бу сўзлари ўзбек миллий безак санъатининг ўша даврдаги ҳолатидан дарак беради. Агар биз бу иборани бугунги тараққиёт даражаси билан таққослайдиган бўлсак, кейинги юз йилликда миллий меъморий безак санъатининг бинолар ва меъморий иншоатларни безатишдаги роли, кундалик турмушимиздаги ўрни мисилсиз даражада юксалганлигининг шоҳиди бўламиз. Аввал шаҳар ва қишлоқлардаги айрим пулдор бойларнинг уйлари, меҳмонхоналари, ҳуқумдорлар саройлари, айрим масжиду мадрасалар ҳашамдор миллий нақшлар билан безатилган бўлса, эндиликда қишлоқ ва шаҳарлардаги оддий аҳоли уйларида тортиб халқаро шаҳарсозлик талабларига мос улкан маҳобатли маданий-маърифий, жамоатчилик ва маъмурий биноларгача миллий ва замонавий руҳиятда анъанавий амалий безак санъати билан уйғунликда жило берилмоқда.

Юртимизда халқаро туризмни ривожланиши миллий кадриятларимизни, миллий маданиятимизни, урф-одатларимизни, миллий меъморчилик билан бирга халқ амалий санъатимизни янада тараққиётини ва халқаро маданий алоқалардаги ролини ошишига омил бўлмоқда. Халқ амалий санъати намуналари билан меҳмонхоналар, ошхона, кафе, ресторан ва миллий чойхоналар, сайргоҳлар, боғу хиёбонлар ўзига хос миллий дизайн асосида безатилмоқда. Буларнинг барчаси миллий ва замонавий меъморчиликда халқ амалий безак санъати ролини тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Энг аввало халқимиз ўзи яшаётган ва турли мақсадларда фойдаланаётган турар жой ва бошқа биноларни безатишда миллий амалий санъатнинг қайси турларидан қай даражада фойдаланганини билмоғимиз лозим. Санъатшунос Дилшодбек Юсупов “Андижон меъморий безаклари” номли маърузасида ўзбек халқининг миллий анъанавий меъморий безаклари қуйидагилардан иборат эканлигини келтиради:

- 1.Наққошлик санъати-бу санъат сиркорлик ҳам деб юритилади.
- 2.Ёғоч ўймакорлик.
- 3.Ганч ўймакорлиги.
- 4.Кошинкорлик.
- 5.Ғишткорлик (бадий ғишт териш.)
6. Бадий кулолчилик.

7. Шунингдек хозирги кунда бино интерьерларини безатишда бадий дизайн асосида амалий санъатнинг каштачилик, гиламдўзлик, мисгарлик, миллий матолар, хаттотлик ва бошқа турларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Юқоридаги фикрларга сайқал бериб, санъатшунос Д.Юсупов шундай ёзади:”Ўз миллийлигини сақлаб қолган ўртаҳол ҳонадонга ташриф буюрадиган бўлсак, вассажут ёки осма лампа услубида ёпилган уй шифтидаги нақшлар, қиблага юзланган меҳроблардаги ҳашамдор сандиқ, жавонлар, катта кичик токчалар ва токчалардаги чиройли нақшинкор сопол ва чинни товоқлар, косалар, кандакори нақшлар туширилган мис идишлар, гулли чойнак пиёлалар, девордаги гулдор кашталар тикилган чойшаб, зардевор ва дарпардалар, ял-ял

ёниб турган гиламлар, пойгакдаги гўзал шаклли офтоба-чилобчинлар ўзбек хонадонининг кундалик зарурий ашёлари ҳисобланади. Шунингдек улар, ўзбек халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи билан боғлиқ асрлар давомида шаклланган ўзаро уйғунликдаги халқ хунармандчилиги, амалий безак санъатининг намуналари ҳамдир.” Биз вилоят Тарихи ва маданияти музейининг халқ амалий санъати бўлимдаги “Келинчак хонаси”, миллий хунармандчилиги бўлими экспозицияси ҳамда Абдулҳамид Чўлпон ёдгорлик музейи бўлимидаги “Сулаймонқул боззоғ хонадони” кўринишларида миллий ўзбек уйларида хунармандчилик ва амалий санъат буюмларидан амалда қандай фойдаланганларини, юқоридаги мутахассис ва тадқиқотчилар фикрларининг кўп жihatдан амалий тасдиғини гувоҳи бўламиз.

Дунёга машхур меъморий обидалар мисолида миллий, амалий безак санъати тарихи ва назариясини ўрганиш орқали унинг ўзбек халқ меъморчиликидаги ўрни, ривожланиш омиллари, тўғрисида умумий тушунчага эга бўламиз. Гарчи турли тарихий воқеалар сабаб Андижон вилояти ҳудудида қадимий обидалар сақланиб қолмаган бўлса-да, тарихий манбалар, архелогик ашё ва олимларнинг бу борадаги илмий тадқиқотлари, бадиий-адабий асарларга асосланган ҳолда ўзига ҳос миллий меъморчилик ва меъморий безак санъатини вилоятда ҳам ривожланиб келганлигини шоҳиди бўламиз. Шунингдек, миллий ва анъанавий меъморий безак турлари ҳақида ҳам тасаввурга, тушунчага эга бўламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Амир Темур. “Темур тузиклар”. Тошкент. 1992й.
2. И.Азимов. “Ўзбекистон нақшу-нигорлари”. 9-б. 1987 й.
3. Д.Юсупов. “Маъруза матнидан” 2008 й.